стратегик ва минтақалараро
Тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 16 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (10.649)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва БМТ Ривожланиш Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси билан биргаликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида ипотека ҳақидаги қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

● Кеча Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши ўтказилди. Унда «Ипотека тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Фракция аъзолари иккинчи ўқишда киритилаётган ушбу қонун лойиҳаси бўйича таклифлар билдиришди.

● Тошкент Тиббиёт академиясида дерматология ва венерологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

● «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти фаоллари йиғилишида Умумреспублика экология ва саломатлик кунлари биринчи босқичининг якунлари ҳамда иккинчи босқичдаги вазифалар муҳокама қилинди.

● Шу кунларда Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши ташаббуси билан «Ўз касбининг устаси» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

● Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси, Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Муштум» журнали ҳамда Андижон вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида аскиячи ва қизиқчиларнинг Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий республика кўрик-танлови ниҳоясига етди.

● Урганч Давлат университети спорт мажмуасида «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилоят Кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси вилоят прокуратураси ҳамда каратэ федерацияси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида каратэ бўйича «Камолот» Кубоги мусобақаси ўтказилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг оилавий таълим дастури доирасида журналистлар учун семинар ташкил этилди.

● Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест синовлари мусобақаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр муддатидан олдин истеъфога чиқишини маълум қилди. У 2007 йилнинг ёзида ўз лавозимини тарк этиш ниятида. Тони Блэр ўзининг бу қарорини бўлажак номзодларга 2009 йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёрланишлари учун етарлича имконият яратиб бериш билан изоҳламоқда.

● АҚШнинг Техас штати шимолида содир бўлган торнадо натижасида 6 та катта бино шикастланди, 10 нафарга яқин киши тан жароҳати олди. Кучли бўрон Далласнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Вестминстер ва Анна шаҳарларига ҳам вайронагарчиликлар келтирди.

● Бразилиянинг Сан-Пауло штатида жиноий гуруҳлар ва полиция ўртасида юзага келган қуролли тўқнашув натижасида 52 киши ҳаётдан кўз юмди. Шундан 35 нафари полиция ходимларидир. Сан-Паулодаги тартибсизликлар 600 нафар маҳбус қаттиқ тартибдаги қамоқхонага ўтказилгандан сўнг бошлангани таъкидланмоқда.

● Ҳиндистон 2008 йилда Ойнинг янги топографик ва минерология хариталарини тузишни ташкил этиш мақсадида Шри-Харикота космодромидан ўзининг Chandrayaal-1 ракетасини ойга учиришни режалаштирмоқда.

● Москвада йирик фармацевтика омборида ёнғин чиқиб, 13 минг квадрат метр майдонни қоплаб олди. Ёнғин натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди.

● Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада кетма-кет террорчилик ҳаракатлари содир этилди. 9 та портлаш оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Индонезиянинг Мерали тоғида уйғонаётган вулқон ушбу ҳудуд аҳолисига катта хавф туғдирмоқда. Ҳозирги пайтда тоғ атрофидаги аҳоли пунктларида яшовчилар хавфсиз жойга кўчирилмоқда. Вулқондан чиқаётган кул ва тутуннинг узунлиги 5 километргача етди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 17 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Elektron-Hisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий электрон ҳисоблагичлар қатор афзалликлари билан ажралиб туради.





СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳа; йиғувчи Нафиса Пўлатохунова электр ҳисоблагичлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» маркази, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ҳамза туман бўлимлари ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар, фахрийлар иштирокида уюштирилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида «Ёшлар—келажак пойдевори» шиори остида мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида спортнинг қўл тўпи, баскетбол, волейбол турлари бўйича ўтказилган мусобақалар туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** Халқаро Оила куни муносабати билан Миробод туманида туман ФҲДЁ бўлими янги биносининг тантанали очилишига бағишланган тадбир уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Қизил Ярим Ой жамияти ташаббуси билан ёшлар ўртасида уюштирилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» беллашувининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида ўтказилган «Ҳамшира—2006» кўрик-танловининг туман босқичи туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **«БЕКТЕМИР»** маҳалласи ҳудудидаги 299-мактабга йиғилган маҳалла вакиллари ва фаоллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлашди.

● **МИРОБОД** саноат касб-ҳунар коллежида «Оила—жамиятнинг кичик пойдевори» мавзуида Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган тадбир Халқаро Оила кунига бағишланди.

● **ЮНУСОБОД** туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, фаол аёллар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАЛАЙЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ТОШКЕНТДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН МАЛАЙЗИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ТАН СРИ ДАТО РАМЛИ БИН НГАХ ТАЛИБ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 15 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзиянинг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил октябрь ойидаги Малайзияга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очгани алоҳида қайд этилди.


Музокарада икки мамлакат парламентларининг қуйи палаталари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, Ўзбекистон-Малайзия алоқаларининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Бу борадаги алоқалар ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда Малайзия парламент делегациясининг мазкур ташрифи муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан ҳам учрашди. Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўрди.

ЎзА

«SAVE THE CHILDREN» ЭРТАНГИ КУН ҒАМХЎРЛИГИ ҲАҚИДА



БУЮК БРИТАНИЯДА ЖОЙЛАШГАН «SAVE THE CHILDREN» («БОЛАЛАРНИ АСРАШ») ХАЛҚАРО ИНСОНПАРВАРЛИК ТАШКИЛОТИ «ЖАҲОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Унда Ўзбекистонда бу соҳадаги ҳолатга юқори баҳо берилган.

Тақдим этилган маърузага мувофиқ, дунёнинг 125 давлати орасида аёллар учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши даражаси бўйича мамлакатимиз 19 ўринни, оналикни ҳимоя этиш бўйича эса 27 ўринни эгаллайди. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши кўрсаткич, МДҲ ва Осиё ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Таққослаганда шуни кўриш мумкинки, «Save the children» рейтинги бўйича, Россия мазкур рўйхатнинг биринчи банди бўйича 29, иккинчи банди бўйича эса мамлакатимиз каби 27 ўринни эгаллайди. Қозоғистон 29 ва 32, Хитой — 29 ва 39, Руминия 39 ва 39, Туркманистон — 22 ва 44, Қирғизистон — 63 ва 52, Тожикистон — 45 ва 69, Туркия — 79 ва 74 ўринларни банд этган.

14 МАЙ КУНИ БЕЛЬГИЯНИНГ ГЕНТ ШАҲРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ ДОИРАСИДАГИ МУСОБАҚАЛАР ЯКУНИГА ЕТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОКСАНА ЧУСОВИТИНА ТАЯНИБ САКРАШ БЎЙИЧА ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

ГЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН МАҚТИЯСИ ЯНГРАДИ

Юртдошимиз мусобақанинг уч тури бўйича финал босқичига чиқа олган ягона гимнастикачи бўлди. Таяниб сакрашдаги олтиндан ташқари, Оксана брусда бажарилган машқларда тўртинчи ҳамда бревнодаги мусобақаларда бешинчи ўринни эгаллади. Мусобақаларда дунёнинг 33 мамлакатидан 110 нафар гимнастикачи иштирок этди.

Халқаро спорт гимнастикаси федерацияси вакили Зигфрид Функ О.Чусовитинанинг Гентдаги чиқишини «катта муваффақият» дея таърифлаб, мутахассислар Ўзбекистон терма жамоаси етакчисининг 2008 йил Пекинда бўлиб ўтажак Олимпиада ўйинларидаги иштирокини катта қизиқиш билан кутаётганини айтди.

«Жаҳон» АА

Ҳамкорлик қирралари

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛАДИ

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРМОҚДА.

Икки кун давомида пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида италиялик ишбилармонлар билан ўтказилган Бизнес-форум ҳам ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга қаратилди. Ўзбекистон ва Италия ишбилармонлари ҳамкорлигида ўтказилган Бизнес-форумнинг асосий ташкилотчилари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, CIUZ—Италия—Ўзбекистон Савдо палатаси ҳамда PROMOS—Милан шаҳри савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик палатасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Италия — Ўзбекистон Савдо палатаси 2002 йилнинг 15 ноябрида ташкил этилган бўлиб, айни пайтда 36 та компания унинг аъзолари ҳисобланади. 2005 йилда эса Тошкентда Италия—Ўзбекистон Савдо палатасининг ваколатхонаси очилди. Ушбу палата Италия ва Ўзбекистон фирмалари ривожига ва икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётганини шунда кўриш мумкинки, 2005 йил 19-21 апрелда пойтахтимизда «Италия—Ўзбекистон» Бизнес форуми ўтказилган бўлса, 26-30 сентябрда эса Италиянинг Милан шаҳрида «Ўзбекистон—италиялик тадбиркорлар учун янги имкониятлар» деб номланган Бизнес-форум ташкил этилди. Унда республикамиздан 23 та компания иштирок этди. Тадбиркорларимизнинг ташрифлари давомида Италиянинг турли компаниялари билан 120 дан зиёд учрашувлар бўлиб ўтди. Айниқса, қурилиш, тўқимачилик саноати ва машинасозлиги, металлга ишлов бериш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан учрашувлар, ўзаро тажриба алмашувлар яхши самара берди.

Пойтахтимизда куни кеча италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўтказилган бизнес анжуманда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш хусусида сўз борди. Айни пайтда юртимизда мана шу самарали ҳамкорлик натижаси бўлган 40 дан ортиқ қўшма корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.


— Мамлакатингизда пахта, ипак ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноати тобора ривож топиб бораётгани боис италиялик ишлаб чиқарувчилар ўзбекистонлик ишбилармон ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга қизиқмоқдалар, — дейди Италия — Ўзбекистон Савдо палатаси президенти Луиджи Имперти. — Бунинг учун тадбиркорларимиз томонидан қатор бизнес-режалар ишлаб чиқилган. Бу каби учрашув ва фойдали анжуманларнинг икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ҳиссаси жуда катта.Италиялик тадбиркорлар ҳозирги кунда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр.

Бизнес-анжуман доирасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам матбуот анжумани ўтказилди. Италиялик ишбилармонлар доираси вакиллари журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтаришди ва бундай ҳамкорликнинг самарасига ишонч билдиришди.

Шарифа ИЛЁСОВА

АСРЛАР ДАВОМИДА ОИЛА ДЕБ АТАЛМИШ МУҚАДДАС ДАРГОҲ, МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЎЧОҒИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИБ КЕЛИНГАН. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ИЛГАРИЛАБ БОРАЁТГАН МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЭНГ УСТУВОР, ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.









Тадбирлар

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Хусусан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниб, оила манфаатларини таъминлаш йўлида давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, оиланинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу дастур ижроси йўлида жамият негизи бўлган оиланинг маънавий-ахлоқий асослари ва маданий манфаатларини такомиллаштириш, ахлоқан етук, соғлом, ҳар томонлама камол топган авлодни вояга етказиш йўлида бугунги кунда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро оила соғлом ва мустаҳкам бўлса маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Маҳалла ва юрт мустаҳкам экан давлатда осудалик ва баҳамжиҳатлик ҳукм суради.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Халқаро оила кунига бағишлаб Алишер Навоий номли Миллий боғда ўтказилган «Оила — муқаддас Ватан» деб номланган катта байрам тадбиридан ҳам айнан юқоридаги эзгу мақсадлар кўзланди. Хусусан, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам ушбу тадбирда фаол иштирок этиб, «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси», «Аёл — баркамол авлод мураббийси» каби кўрик-танловларнинг, «Соғлом оила» эстафетаси, «Отам, онам ва мен» мавзусидаги асфальтга расм чизиш, «Оила — муқаддас даргоҳ» плакатлар кўрик-танловлари, «Тадбиркор оила — фаровон оила» шиори остидаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил қилишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Тадбирда иштирок этган олималар, маҳалла хотин-қизлар комиссияларининг вакиллари, диний маърифат ва маънавий- ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, бир сўз билан айтганда жамиятимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаётган сиёсатчи, депутат, нуфузли идоралар вакиллари бўлмиш жамоатчи, фаол аёллар ҳар бир танловнинг юқори кўтаринкиликда ўтишига ҳаракат қилдилар. Танлов қатнашчилари, ибратли оилалар, қизиқарли оилавий спорт мусобақалари, кўргазмалар билан танишар эканмиз, беихтиёр юртимизда инсон қадр-қиммати, аёлларни эъзозлаш, оилаларни мустаҳкамлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Азиз, муҳтарама аёллар, опа-сингиллар, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова. — Бугунги тадбир давлатимиз томонидан аёлларга, оналарга, оилаларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг нақадар юксаклигини кўрсатиб, шунга мувофиқ аёлларимизнинг ҳам жонкуяр, фидойи бўлиш билан бирга бугунги кун талабини тўғри тушуниб ўз соҳасининг билимдонига айланаётганидан дарак беради. Ибратли, тинч оилаларимиз кўпайсин, ҳар соҳада ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, буюк алломаларимизга муносиб авлод эканимиздан фахрланиб юрайлик.

Тадбир сўнгида барча танловлар, викториналар ғолибларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмиталари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқ ва дипломлар топширилди. Хусусан «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловида энг олий ўринга Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфаррах Содиқова сазовор бўлди.

— Энг олий ўринга муносиб топилганимдан жуда ҳаяжондаман, — дейди биз билан суҳбатда Муфаррах Содиқова. — Камтарона меҳнатларинг қадр топса янада кўпроқ ишлагинг, элнинг хизматида бўлгинг келар экан. Менга билдирилган ишончни албатта оқлайман.

Тадбир давомида янграб турган шўх мусиқа, дилрабо қўшиқ ва рақслар байрамнинг янада файзли, хуш кайфиятда ўтишига хизмат қилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номли Миллий боғда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Иқтисодиёт

БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

ҲАР БИР БУЮРТМАНИНГ ТЕЗ ВА СОЗ БАЖАРИЛИШИ АЛБАТТА КОРХОНА БУЮРТМАЧИЛАРИНИНГ САФИ ОРТИШИДА, БУЮРТМАЛАР ПОРТФЕЛИНИНГ ТЎЛИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Шу боис ҳам ўз фаолиятини бозор талаблари асосида ташкил этган «Прогресс РСФ» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ортиб бормоқда, турлари эса кўпаймоқда. Ишни бир-икки хил ювиш ва тозалаш воситалари тайёрлашдан бошлаган корхонада бугунга келиб 15 турга яқин маҳсулот тайёрланиб, буюртмачилар талаби қондирилмоқда, харидорларга етказиб берилмоқда:

— Ўтган йилда 22 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, — дейди корхона раҳбари Собиржон Раҳимов, — жорий йилда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда 50 миллион сўмлик ювиш ва тозалаш воситаларини тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. «Покиза» номи билан чиқарилаётган маҳсулотларимиз турлари бир нечтага кўпайди. «Антизанг», гель сингари тозалаш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Албатта, уларнинг рақобатбардошлигига эътибор қаратганмиз. Мамлакатимиздаги йирик ташкилотлар ҳамда кўплаб савдо шохобчаларига уларни шартнома асосида етказиб бераяпмиз.

Тадбиркорлар жорий йилда оқартирувчи восита, канализация қувурлари учун тозалаш ашёси ҳамда соч ювиш воситаси (шампунь)лар ишлаб чиқаришни режалашган. Айни кунларда ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «ҚОРАТОШ» МАВЗЕСИДА ИШ БОШЛАГАН «МУРУВВАТ-ТЕКС» ТИКУВ-ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХОРИЖ БОЗОРИДА ЎЗ ХАРИДОРЛАРИ БОР.

Шу боис ҳам маҳаллий хом ашёдан тикилаётган сифатли кийим-кечакларни Австрия, Бельгия, Германия, Голландия давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Асосий хом ашё — сифатли трикотаж матоларини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Байтекс-тижарет» хорижий ҳамда «Бурсель» қўшма корхоналаридан олаётган фабрика тадбиркорлари ҳозирда 20 хилга яқин турдаги кийим-кечакларни яратишган бўлиб, булар эркаклар, аёллар, ўсмирлар ҳамда болалар учун мўлжалланган.

Корхона цехларига ўрнатилган «Бразер» тикув дастгоҳлари, бичув ускуналари, «ТАЖИМА» нақш солиш машинаси ва бошқа замонавий жиҳозлар сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда, тикилаётган кийим-кечакларни жаҳон андозаларига тўла жавоб беришида муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг умумий қиймати 527 минг АҚШ долларига тенгдир.

Корхонада соатига 700 дона маҳсулот тайёрлаш имконияти бўлиб, ойига 130 минг, йилига 1,5 миллион донадан зиёд кийимлар тикиш қуввати мавжуд. Энг асосийси корхонанинг иш бошлаши натижасида 385 нафар аҳоли, асосан ёшлар иш билан таъминланди.

Меҳнат унумдорлигининг ортиши ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишида бу ерда ишчи-хизматчиларга яратилган жуда қулай иш ва кўнгилдагидек дам олиш шароитлари катта аҳамият касб этади. Муҳими эса маҳсулотларнинг асосий қисми жаҳон бозорига сотилиб, юртимизга валюта тушуми кўпаяди.

Шарофат БАҲРОМОВА

ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ

МЕБЕЛЬ ТАНЛАШДА БИЗ МАҲСУЛОТНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШИ, ЧИДАМЛИЛИГИ, ҚУЛАЙЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАМИЗ.

2000 йилдан хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган уста Шуҳрат Чориев изланиши, касб-маҳорати ҳамда ғайрати туфайли бугунги кунга келиб 10 хил турдаги мебель маҳсулотларини тайёрлаб, мижозларни мамнун қилмоқда. У мебеллар учун маҳаллий экологик тоза, сифатли хом ашё — чинор, ёнғоқ дарахтларидан фойдаланади. Устага отаси ҳамда икки нафар укалари яқиндан кўмак беришади.

— Юртимиз иқтисодиётига оз бўлсада ҳисса қўшаётганимдан мамнунман, — дейди янгиликка ўч, ташаббускор уста Шуҳрат Чориев, — давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хусусий тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар муваффақиятларим омили бўлмоқда.

Аҳоли буюртмасига кўра мебелсозликда қўлланиладиган мураккаб услублардан ҳам моҳирлик билан фойдаланиб тайёрланган юмшоқ мебеллар, стол, стул, жавон, хонтахта каби маҳсулотлар пишиқ-пухталиги, замонавий кўриниши, бир-бирини такрорламаслиги, бежирим, чиройлилиги билан жаҳон андозаларидаги маҳсулотлардан асло қолишмайди, нархлари эса нисбатан арзон.

Устага ҳавас қилган, касбига қизиқиш билдирган ёшлар маҳаллада анчагина. Шу боис, шогирдлар тайёрлаш каби масъулиятли ишга Шуҳрат ака алоҳида эътибор қаратади, эринмай касб-кори сирларини ўргатади, машаққатдан қўрқмай, уста мебелсоз бўлиб етишишда уларга мададкор бўлмоқда.

ХОРИЖ МАТОЛАРИ АСОСИДА

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАМДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРНИ КАТТА.

Шайхонтоҳур туманида беш йилдан буён фаолият юритаётган тадбиркор Одил Бобобеков оилавий бизнесни ривожлантириш йўлида анчагина тер тўкди. Асли касби дизайнчи-модельер бўлган мутахассис узоқ изланишлар, ижодий меҳнат туфайли эркакларга кўркам, ярашиқли, сифатли матодан чидамли либослар яратишга эришди.

Ҳозирги кунда давр талабини пухта ўрганган тадбиркор 20 хил турдаги классик ҳамда замонавий услубдаги кийим-кечаклар: костюм-шим, смокинг, пиджак, мавсумбоп куртка, нимча ҳамда кўйлакларни қисқа муддатларда тикиб, мижоз қўлига етиб бориши йўлида унумли меҳнат қилмоқда. Жумладан, буюртмага асосан махсус иш кийимлари ҳам тикади.

Ишчан, ғайрат-шижоатли тадбиркор йил охиригача бизнесини кенгайтиришни эзгу мақсад қилган. Яъни, каттагина салон очиб, унда малакали бичиқчи, қўли гул тикувчилар ёрдамида аёллар учун эксклюзив либослар — тўю тантаналар, турли маросимларда кийишга мўлжалланган кийим-кечакларга буюртма олинади. Улар учун фақат сифатли, хорижда махсус келтирилган матолардан фойдаланилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Маҳалланг — ота-онанг

ОЧИҚ, ОШКОРА РУҲДА ЎТДИ

БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ БОСҚИЧИГА КИРДИ. КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ МУМКИНКИ, МАЗКУР ТИЗИМ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДА МУСТАҲКАМ КЎПРИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАШ БОРАСИДА ҲАМ МУАЙЯН ТАЖРИБАЛАР ОРТТИРДИ.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туманларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ва унинг маслаҳатчиларининг сайловлари уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда давом этмоқда. Энг муҳими, маҳалла ҳаётида рўй берган воқеа-ҳодисалар, амалга оширилган ишларга холисона баҳо бериш фурсати келганлиги сайловнинг жонли тарзда ўтишига замин ҳозирлайди.

Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалла гузарида бўлиб ўтган сайлов жараёнида иштирок этган етмиш нафарга яқин маҳалла вакиллари ва фаоллар энг муносиб номзодга овоз бериш учун йиғилдилар.

Дастлаб шу вақтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият юритиб келган Машкура Исмоилованинг ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида маҳалла ҳаётида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилган. Жумладан, бугун тўй-ҳашам, кўплаб қувончли воқеаларнинг ўтишига ҳисса қўшиб келаётган маҳалла гузарининг қурилиб фойдаланишга топширилгани, йўлларга асфальт ётқизилганлиги, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан доимий равишда огоҳ бўлиб келинганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда сайлов иштирокчилари маҳалланинг тафтиш комиссияси фаолияти бўйича ҳисоботни ҳам тингладилар. Эшитилган ҳисоботлар бўйича умуман, маҳалла ҳаётида ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан сўзга чиққан маҳалла фаоллари ишонарли далилларга асосланган фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ниҳоят галдаги асосий масала — маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) лавозимига номзоди кўрсатилган уч нафар номзоднинг сайловлари дастурига эътибор қаратилди. Йиғилганлар Машкура Исмоилова, Ёқубжон Носиров, Турғун Қодировларнинг сайловолди дастурларида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни илиқ қарши олишди.

Номзодлар овозга қўйилди. Очиқ овоз бериш йўли билан кўпчилик вакиллар Турғун Қодировнинг сайлов олди дастурини маъқул деб топишди ва у кейинги муддатга «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Шунингдек, оқсоқол маслаҳатчилари, тафтиш комиссияси аъзолари ва маҳалла котиби ҳам якдиллик билан сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

***

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ «ДАМАРИҚ» МАҲАЛЛАСИДА ҲАМ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАҲАЛЛА ВАКИЛЛАРИ, МЕҲМОНЛАР ВА КУЗАТУВЧИЛАР ҚАТНАШДИ.

Маҳалла вакиллари ва бошқа иштирокчилар «Дамариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирвали Турсунов ҳамда маҳалла тафтиш комиссияси раиси Қодир Ўриновнинг 2,5 йиллик ҳисоботларини тингладилар. Сўнг маҳалла вакиллари сўзга чиқиб ютуқлардан руҳланиб, бор муаммоларни ўртага ташлаб анча тажрибага эга бўлган, камтарин инсон маҳалла оқсоқоли Мирвали Турсунов ва маҳалла фаоллари фаолиятига қониқарли баҳо бердилар.

— Маҳалла фуқаролар йиғинини демократия мактаби десак бўлади,— дейди маҳалла фаолларидан бири Зулфия Саидмуҳамедова.— Зеро мансабу мартабаси ва миллатидан қатъи назар, бу ерда ҳамма дилдаги гаплар очиқ-ойдин айтилади, бир-биридан хафа бўлиш йўқ, кўпчилик раъйига қараб янги қарорлар қабул қилинади.

Оқсоқол сайловида ҳам маҳалла ободлиги йўлида аввалги муддатда самарали фаолият кўрсатган Мирвали Турсунов якдиллик билан қайта сайланди. Шунингдек, очиқ овоз бериш йўли билан тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ҳамда кенгаш аъзолари ҳам сайланди.

Йиғин якунида янгитдан сайланган оқсоқол Мирвали Турсунов сўзга чиқиб ўзига билдирган ишонч учун миннатдорчилик изҳор қилиб, маҳалланинг янада гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратини аямаслигини айтди.

А.СУБХОНОВ

Танловлар

«ЭНГ ЗУККО ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ — 2006»

БУГУН БИЗ ҚАЙСИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИМИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР — ИСТЕЪМОЛЧИМИЗ. БУ БОРАДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ, БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗ «ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН. МАЗКУР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ҲАР БИРИМИЗГА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИМИЗНИ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИМИЗНИ, КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДАГИ ТУШУНМОВЧИЛИКЛАРНИ ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Шу маънода ўсиб келаётган ёш авлодни ушбу қонунчилик талабларидан бохабар этиш, уларда истеъмолчилик малака ва кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

«Зарафшон» кино-концерт залида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, «OZSTANDART» агентлиги, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази, «Камолот» ЁИҲ марказий Кенгаши ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида «Энг зукко ёш истеъмолчи — 2006» III-Республика кўрик танловининг якуний босқичини ўтказиш жараёнида юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиз ўз ифодасини топди.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад соҳага дахлдор Қонун ижросини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифат даражаси паст, кишилар соғлиғи ва ҳаётига жиддий хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтириш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни фаоллаштиришдан иборатдир.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчи- ёшлар ўртасида ташкил этилган кўрик-танловда қатнашаётган иштирокчиларнинг фаоллиги, зукколиги, топқирлиги кун сайин ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

— Мазкур кўрик-танловнинг турли босқичларида республикамиздаги барча ўрта умумтаълим мактабларидан 350 мингдан ортиқ 9-11 синф ўқувчиларининг иштирок этаётганлиги бунинг яққол далилидир, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов биз билан суҳбатда. — Бунда ҳаммамиздан ҳам кўпроқ ўрта умумтаълим мактабларида ёшларимизга мунтазам равишда сабоқ бериб келаётган устоз-муаллимларимизнинг хизматлари кўпроқ дейишга ҳақлимиз.

Интеллектуал мусобақа иштирокчилари кўрик-танлов давомида 3 та шарт бўйича куч синашдилар. Унга кўра ҳар бир иштирокчи табрик йўллаши, амалий топшириқни бадиий чиқиш воситасида акс эттириб бериши ҳамда истеъмолчилик ҳуқуқлари борасидаги билимларини баҳолаш учун тест саволларига жавоб бериши жоиз эди. Шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, иштирокчилардан ҳар бирининг чиқишларини кузата туриб, уларнинг пухта тайёргарлик кўрганлигини, қонунчилик меъёрларидан атрофлича хабардор эканлиги намоён бўлди. Шу маънода иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳайъат аъзоларига ҳам осон кечгани йўқ.

Ниҳоят ғолиблар аниқланди. Унга кўра биринчи ўринни қўлга киритган Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги 2-ихтисослашган мактаб интернатнинг 11-синф ўқувчиси Азиз Ҳайитбоев замонавий «Pentium -IV» шахсий компьютери, иккинчи ўрин соҳиби Наманган шаҳридаги 20-ихтисослашган мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Машҳура Фатхитдинова «LG» русумидаги рангли телевизор, учинчи ўринга лойиқ деб топилган Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 27-мактабнинг, 11-синф ўқувчиси Сайёра Аминова «LG» русумли мусиқий марказ билан тақдирландилар. Шунингдек, «Энг зукко истеъмолчи» номинациясида ўзига хос имкониятларни қўлга киритган Тошкент шаҳри Миробод тумани 83-ўрта умумтаълим мактаби 10-синф ўқувчиси Алла Лагачова «LG» русумли чангютгич билан тақдирланди.

Беллашув ниҳоясига етди. Аммо у кўплаб умидли ёшларда истеъмолчилик борасидаги ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказишда ўзига хос аҳамият касб этганлиги билан эътиборлидир.

Хидирали ПАНЖИЕВ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЎПЛАБ ХУШОВОЗ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА. ҲАР ЙИЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ДЕБ НОМЛАНГАН АНЪАНАВИЙ КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ВА БОШҚА ШУ СИНГАРИ ФЕСТИВАЛЛАРДА БУНИНГ ГУВОҲИ БЎЛМОҚДАМИЗ.



ЁШ ҚЎШИҚЧИЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида ёш истеъдодлар ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами кўрик-танлови ўтказилмоқда. Яқинда М.Горький номидаги рус драма театрида Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ, Ўқувчилар ижодиёти марказининг туман бўлимлари ташаббуси билан ушбу танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактаблар ҳамда Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги ўқувчилар бадиий жамоалари ўз концерт дастурлари билан иштирок этдилар. Байрамона безатилган саҳнада жажжи қичқинтойлардан тортиб ўсмир йигит-қизлар—барчалари она диёримиз Ўзбекистонни мадҳ этувчи қувноқ куй - қўшиқларни дилдан жўшиб куйладилар. Тадбир сўнгида ҳайъат аъзолари томонидан истеъдодли санъат ғунчалари аниқланди. Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги «Нилуфар» рақс дастаси, мақомчилар дастаси, 256-мактаб хор жамоаси, ЎИМ қошидаги вокаль гуруҳи бадиий жамоалари мазкур танловнинг ғолиблари деб топилиб, улар «Ўзбекистон— Ватаним маним» қўшиқ байрами кўрик-танловининг республика босқичига йўлланма олдилар.



— Бундай танловлар энг истеъдодли, санъатга иштиёқи баланд бўлган, санъатимиз довруғини кенг ёйишда муносиб ҳисса қўша оладиган ёшларни кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда,—дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича бош мутахассиси Наргиза Абдураҳмонова.— Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Албатта, уларни қайси соҳага қизиқишларини, иқтидорларини аниқлаб, кўмак берилса, ўйлаймизки, келгусида ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб етишадилар. Бугунги танловда ҳам туманимизда санъат майдонига кириб келаётган жуда кўп ёш истеъдодлар борлигига гувоҳ бўлиб, ниҳоятда мамнун бўлдик.

Байрамона руҳда, қизиқарли ўтган танлов якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ширмоной АСРАНОВА

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами кўрик-танловидан лавҳалар.

Гранкин олган суратлар

Тадбирлар

ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК

Халқимиз орасида миллий мумтоз халқ қўшиқлари, лапарлар, ўланларни ижро этишга ва уни кенг тарғиб этишга қаратилган ажойиб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан шу соҳада ҳар йили анъанавий тарзда республика миқёсида ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар, фестиваллар санъатнинг ушбу турини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ўлан айтгали келдик» деб номланган 3-анъанавий фольклор байрами бўлиб ўтди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти маркази ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тадбирида фольклор йўналиши бўйича республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестиваллар ғолиблари иштирок этдилар. Тошкент шаҳридан Маҳфуза Боймирзаева раҳбарлигидаги «Дурдона» фольклор этнографик дастаси, «Осиё» карнай-сурнайчилар гуруҳи, Англен шаҳридан Т.Пардаев ва К.Қосимхонова, Жиззах вилоятидан Б.Ҳакимов ва М.Бўронова, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидан «Тўрғай» фольклор этнографик дастаси томонидан ижро этилган миллий халқ қўшиқлари, лапарлар ва ўланлар боғга йиғилган ҳамшаҳарларимизнинг эътиборини ўзига тортди.

— Халқимиз санъатни жону дилидан севади, куй-қўшиқ тинглашга иштиёқи баланд,— дейди Республика Халқ ижодиёти маркази маданий-маърифий ишлар илмий методик бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Қозоқбоев.— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам қадимий халқ қўшиқлари, миллий ўлан ижрочилигини ривожлантириш ва уни кенг тарғиб этишдан иборат. Бугунги кунда миллий халқ қўшиқлари, лапарлар айтишда ўзининг ижрочилик маҳоратини намоён этаётган кўплаб хушовоз хонандалар етишиб чиқаётганлигига шубҳа йўқ. Ўйлаймизки, бу соҳада ижод қилаётган ёшлар устоз санъаткорлар изидан бориб, халқимизга манзур бўладиган қўшиқ ва лапарлар ижро этиб, кўнгилларни хушнуд этишади.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: «Ўлан айтгали келдик» номли фольклор байрамидан лавҳа.



Янги рукн: Санъатимиз тарихини ўрганамиз

МАДАНИЯТ— ЖАМИЯТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ИСТИҚЛОЛИЙ ЖАРАЁНЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАФКУРАВИЙ ҲАЁТИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

ХУСУСАН МАДАНИЯТ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ЭСА МАЪНАВИЯТ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. ЗЕРО, МАЪНАВИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ, УНИНГ МАВЖУДЛИГИ АСРЛАР ДАВОМИДА ХАЛҚ, МИЛЛАТНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ, МУТАФАККИРЛАРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛГАН ЖУДА КАТТА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ФАОЛИЯТНИНГ НАТИЖАСИДИР. МАЪНАВИЯТ МИЛЛАТ, ХАЛҚНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШУВИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Шунингдек, маданият, санъат,маданий мерос ҳар қандай жамият, миллат, халқнинг ўқ илдизи, тамал тошидир. Маънавият миллатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий бўҳронлардан сақлаб қолишнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан маданият ва санъатга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, миллатнинг келажак олдидаги масъулияти маънавиятга алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Мақсад эса маданий меросни ўрганиш, халқ хотирасига айлантиришгина эмас, балки айни пайтда уни янги сифатлар билан бойитиб, келгуси авлодларга етказишдир.

Ўзбекистон маънавий маданияти тарихини миллий, анъанавий қўшиқчилик санъати мисолида ўрганиш муҳимдир, зеро, ҳар қандай маданиятни мусиқасиз, ижрочилик маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти мураккабликларига қарамай, давлатимиз томонидан маънавий ҳаётни такомиллаштириш, қўшиқчиликда эса анъанавийликка қайтиш йўли мазкур соҳада илгарилашга замин бўлмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг 1995 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони миллий-анъанавий қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Демакки, ўзбек анъанавий қўшиқчилик санъатининг бундан буёнги ривожи ушбу санъат тарихининг ўрганилишига, ундан чиқариладиган хулосаларга кўп жиҳатдан боғлиқ экан, тарихий манбаларга мурожаат этиш, уни ўрганиш лозим.

Ўзбек қўшиқчилик санъатининг тарихи жуда кўҳна бўлиб, у инсониятнинг шаклланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда қўшиқчилик санъати тарихини ўзбек халқи тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Илк мақоламизда биз «Қадимги даврларда анъанавий қўшиқчилик санъатининг пайдо бўлиши» ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ишонамизки қадимий ва кўҳна миллий маданиятимизнинг чуқур ва мустаҳкам илдизлари ҳақидаги ҳар бир маълумот сизни бефарқ қолдирмайди.

Ўрта Осиё кишилик тарихи ва маданиятининг энг қадимги масканларидан биридир. Ушбу ҳудудда сўнгги вақтда олиб борилган археологик қазилмалар, тарихий текширувлар, ўтказилган илмий изланишлар, жаҳон цивилизациясининг бошқа маконлари билан қиёслашлар бунга гувоҳдир.

Ўрганилаётган тарихий ҳудудда мадниятнинг тарихи бевосита шу халқнинг келиб чиқиши, шаклланиши, унинг моддий-маънавий, маиший жиҳатлари, турмуш тарзи, руҳий-психологик ҳолатлари билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам ўзбек халқ анъанавий маданият тарихи шу халқнинг пайдо бўлиши тарихи билан тенгдир, десак, хато қилмаган бўламиз.

Ўзбек анъанавий миллий мусиқа санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишини унинг дастлабки боскичларида, миллатнинг турли даврларидаги тарихида кўриш мумкин. Бошқа халқларда бўлгани каби ўзбек мусиқа маданиятини ҳам миллий оҳанглар нота ёзуви ёки бошқа шунга ўхшаш мусиқий белги билан ифодалана бошлаганига қадар катта тарихий йўлни босиб ўтди. Қўшиқчилик санъати инсоннинг узоқ тарихий даврлар давомида ижтимоий фикри, ғоялари, дунёқараши маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимги Ўрта Осиё халқлари қўшиқчилик санъатининг бошқа халқлардаги шундай санъатга ўхшаш бўлганлигидан ташқари, ўзининг фарқланувчи жиҳати асосан миллий қўшиқчиликнинг шеърият ва рақс билан чамбарчас боғлиқлиги билан тавсифланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мусиқа, қўшиқчилик санъати мустақил равишда ва бошқа санъат турларидан алоҳида тарзда пайдо бўлмасдан, балки, аксинча, маданият ва санъатнинг бошқа турлари билан узвий равишда боғлиқликда қадр топган.

Қадимги қўшиқчилик санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Ўрта Осиё халқлари қўшиқчилик маданияти асосан мадҳиялар, аллалар, йиғи, ҳарбий чақириқлар, ибодат қўшиқлари, тантаналар, байрамлардаги қўшиқлар тарзида намоён бўлган.

Қўшиқчилик энг қадимги даврларда халқ санъати шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик синфий жамиятга ўтиш ва ижтимоий табақаланиш натижасида унинг касбий (профессионал) шакли ажралиб чиқа бошлаган.

Қадимги касб қўшиқчилик санъати ҳозирги пайтдаги айни шундай санъат туридан анча фарқ қилса-да, лекин синфий жамият шароитида ҳукмрон доиралар қароргоҳлари ва саройларида мусиқа ҳамда рақс билан махсус шуғулланувчи кишиларнинг пайдо бўлиши бизнинг профессионал қўшиқчилик санъати тўғрисида юқоридаги хулосага келишимизга имкон беради.

Юнон тарихчилари Ўрта Осиё қўшиқчилик санъатининг жуда қадимий эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Чунончи, улар синфий жамиятгача бўлган даврда мусиқа чолғулари, айниқса, зарбли, пуфлама ва торли мусиқа созлари бўлганлигини қайд этадилар.

Айни пайтда, кейинги йилларда мусиқий маданиятимиз тарихи жуда узоқ эканлигини исботловчи ашёвий далиллар учраётганлиги бизнинг ушбу масалага оид илмий тасаввурларимизни бир оз бўлса-да, ўзгартириб, бойитмоқда. Чунончи, археолог олимлар Самарқанд вилояти, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғи яқинидаги қабрдан қазиб олган аёл суяклари ва унинг ёнидаги турли хил тақинчоқлар орасидан топилган ғаройиб бир най созини ана шундай ашёвий далиллар жумласига киритиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бу мусиқий соз бронза даврига оиддир. Ёши салкам 5 минг йил деб белгиланган бу най сози яхлит суякдан ниҳоятда моҳирлик билан ишланган бўлиб, жуда яхши сақланган. Мазкур топилма илмий жиҳатдан қимматбаҳо бўлиб, ҳозир у Самарқанддаги республика маданият ва санъат музейида сақланмоқда.

Юқорида қайд этилган най Зарафшон водийсида яшаган энг қадимги қабилалар бундан 5 минг йил аввал мусиқа созидан унумли фойдаланганликларидан ва умумий мусиқа улар ижтимоий ҳаётининг таркибий қисми бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёда бронза даврининг охирлари ва илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар муқаддас «Авесто» китобида ўз аксини топган. Академик А.Аскаровнинг фикрича, «Авесто»даги маълумотлар археологик тадқиқотлар билан тўлдирилган ҳолда ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин.

«Авесто»нинг матнлари қўшиқ сифатида ёки унга махсус мослаб тузилганлиги қуйидагича хулосаларга келишга асос беради: а) Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқларида «Авесто»гача бўлган даврда ҳам қўшиқчилик санъати мавжуд бўлган ва унинг анъаналари ушбу муқаддас китобда ўз аксини топган; б) «Авесто» муқаддас асар бўлганлиги учун ҳам қадимда Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ халқларида дин ва қўшиқчилик бир-бирига мос равишда ва айни пайтда бир-бирини тўлдирувчи маданий-мафкуравий омил сифатида юзага келган.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

ШИФОКОРЛАРНИНГ БИЛИМ ВА ИҚТИДОРИ, ТАЖРИБА ВА КЎНИКМАСИГИНА ЭМАС, КУЛИБ ТУРГАН ЧЕҲРАСИ, МАЙИН ТАБАССУМИ, МЕҲРУ МУҲАББАТИ, МУОМАЛА МАДАНИЯТИ, САБРУ МАТОНАТИ ҲАМ БЕМОРЛАРНИНГ ДАРДИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ, ЯШАШГА ИШТИЁҚ УЙҒОТИБ ВУЖУДИГА ЕНГИЛЛИК БАХШ ЭТАДИ.

Зеро, инсон ҳамиша ширин сўз ва меҳрга ташна бўлиб яшайди. Шаҳримиздаги Руҳий асаб касалликлари 1-диспансери шифохонасида даволанувчи беморларга ҳам дори-дармон ва ширин муомаладан ташқари меҳру шафқат, мурувват кўрсатиш шифокор ва ҳамшираларнинг вазифа ва бурчларига айланган.

— Шифохонамиздаги даволанаётган беморларга, — дейди шифокор Салтанат Акбарова, — бизнинг муолажамиздан кўра меҳру муҳаббатимиз кўпроқ асқотади. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, бу ерда ҳам руҳан, ҳам маънан ёрдамга муҳтож беморлар даволанади. Уларнинг қалбларига малҳам бўлиш, дардларини даволаш, ўзларига келиб олишларига имкон яратиш, биз шифокорларнинг асосий вазифамиз. Тиббиёт муассасаларимиздаги ҳар бир ходим ана шу бурч ва масъулиятни яхши англаган, тўғри тушунган ҳолда ишлайди. Инсон азалдан ширин сўз гадоси. Агар зўр дори-дармонлар билан даволасангизу, муомала маданиятингиз яхши бўлмаса, тузалиш жараёнида бемор ўзини яхши ҳис қила олмайди. Баъзан эса ўша барча даволаш учун қилинган ҳаракат ўз самарасини бермайди. Демоқчиманки, шифокор биринчи навбатда меҳрли бўлиши, шунинг баробарида ўз касбини сева билиши керак.

Дарҳақиқат, бемор шифохонага тушар экан, даволовчи шифокор унинг кўзига нажот фариштаси бўлиб кўринади. Аслида ҳам шифокорларни оқ халатли фаришталарга қиёслашади. Руҳий асаб касалликлари 1-диспансери шифокори Салтанат Акбарова ана шундай нажоткор фариштalардан. 22 йилдирки ушбу тиббиёт масканида беморларни даволаб, меҳрини бериб келмоқда. Унинг номини шифохонада даволанаётган ҳар бир бемор ҳурмат билан тилга олади.

—Мени эмас касалхонамизни ёзинг,— дейди камтарлик билан опа. Бу камтарлик замирида эса, улкан меҳнат, изланиш ва матонат мужассам. Салтанат опанинг оталари Собир Акбаров ҳам кўп йиллар ушбу шифохонада бош шифокор лавозимида хизмат қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда ушбу муассасанинг кундузги бўлимида беморларнинг даволанишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёш болали оналарга, ёшларга, умуман барча беморларга кундузги бўлимда даволаниш жуда қулайдир. Улар кундуз куни муолажаларини олиб, кечки пайт бемалол оилалари даврасида бўлишади. 75 кишига мўлжалланган мазкур бўлимда учта шифокор ва бир қанча ҳамширалар беморларга хизмат қилади.

Физиотерапия, массаж, психотерапия махсус сеанслари, дори-дармонлар билан самарали даволаниш йўлга қўйилган. Мавлуда Исмоилова, Маҳмуда Аҳмедова, Раъно Мавлонова каби тажрибали шифокорлар ва ҳамшираларнинг доимо беморлар хизматига шай. Ходимларнинг ва беморларнинг доимий маслаҳатчиси ва суянчига айланган шаҳар руҳий асаб касалликлари 1-диспансери бош шифокори Шоҳиста Ибрагимова эса 15 йилдирки ушбу тиббиёт муассасасида фаолият юритмоқда.

Ҳа, инсон саломатлигини таъминлаш энг долзарб вазифа. Негаки, киши қачонки соғлом бўлса унинг жамиятдаги ишида ҳам, оиласида ҳам хотиржамлик барқарор бўлади. Салтанат Акбарова каби заҳматкаш шифокорларнинг иши эса барчага ибрат бўлишини истаймиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

«ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ДОИМО ЁРДАМГА ШАЙ

ҲОЗИРГИ КУНДА ШАҲРИМИЗ ТИНЧЛИГИ, АҲОЛИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ»НИНГ ХИЗМАТИ КАТТАДИР. ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛАЁТГАН УШБУ ХИЗМАТ КОМАНДИРИ, КАПИТАН ҲУСАН БОБОНОВ БИЗНИНГ БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ.

— Ҳусан Алишерович, айтингчи «Қутқарув хизмати» қачон ташкил этилган ва унинг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси таркибида республикамиз пойтахти, ҳудуди ва аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай ҳолатларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, оқибатларини бартараф этиш ҳамда хавфли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, 1999 йил 26 апрелда «Қутқарув хизмати» ташкил этилди. Шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг буйруғига асосан, 2003 йил «Қутқарув хизмати» таркибига Радиацион кимёвий, биологик (бактериологик) гуруҳ, Авария-қутқарув гуруҳи ҳамда Ғаввос-қутқарувчилар гуруҳи ҳам киритилди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси навбатчи-диспетчерлик хизматига хабар берилгач, инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувларга, мурожаатларга асосан, бизнинг «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари томонидан зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

— Қутқарув хизматига, умуман бошқарманинг навбатчи-диспетчерлик хизматига аҳолидан тушаётган мурожаатлар ҳақида тўхталсангиз.

— Жорий йил бошидан буён «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари 60 та хонадондаги қариялар ва ногирон инсонларнинг мушкулини осон қилиб, тиббий ёрдам кўрсатдилар. Газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиқ қолиб, ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган 72 та хонадонларнинг соҳибларига ёрдам кўрсатилиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинди.

Булардан ташқари 80375 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, ёруғлик таъминоти, оқава сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб борилди.

— «Қутқарув хизмати» пулликми?

— Йўқ, «Қутқарув хизмати» ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари учун бепул, беминнат хизмат кўрсатади.

— Бир вақтнинг ўзида бир нечта жойга чақирув бўлса, у ҳолда «Қутқарув хизмати» ёрдам кўрсатишга улгурадими?

— Албатта, бизда автоуловлар ҳам, қутқарувчилар гуруҳи ҳам етарли ва доимо шай туришади. Мурожаат қилинганда, навбатчи-диспетчерлик хизмати томонидан ўта тезкор мадад кимга зарурлиги аниқ белгиланади.

Ёнғин хавфи, қарияларнинг мададга муҳтожлиги, ёш болаларнинг ҳаёти хавф остида бўлиши янада тезкор ҳаракатни талаб қилади.

— Сохта чақирувлар ҳам бўладими?

— Тўғрисини айтиш керак, ҳа, баъзан бекорчиликдан ёки дунёқараши торлигидан кўнғироқ қилувчилар ҳам учрайди. Лекин қўнғироқларга жавоб берувчи навбатчи-диспетчерлик хизматининг тажрибали диспетчерлари мурожаат қилувчиларнинг овоз оҳангидан, сўзлашларидан аниқ биладилар. Агар ўша бекорчилар бу қўнғироқнинг зарари қанчалигини, бошқа жойдаги ёрдамга муҳтож одамлар интизор бўлиб кутаётганларини ҳис қилганларида эди, балки телефон тармоғини бекорга банд қилиш одамийликдан эмаслигини тушуниб етардилар.

— Қутқарувчи бўлишга иштиёқли ёшларимизни қутқарувчилар қаерда ва қандай тайёрланади деган савол қизиқтиради.

— Аввало, қутқарувчи бўлиш учун ушбу хизматга киришни истовчи шахс Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган бўлиши шарт. Бошқармамизнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилгач, бошқарма бошлиғи, бошқарма ҳуқуқшуносининг суҳбатидан ўтадилар. Сўнгра Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида касб маҳорати бўйича ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги махсус курсларда биринчи тиббий ёрдам кўрсата билиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтадилар.

— Қутқарувчилар ўз малакасини ошириш борасида, қутқарув асбоб-анжомларини амалда қўллаш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш борасида олиб бориладиган назарий-амалий машғулотлар, тадбирлар тўғрисида ҳам сўзласангиз.

— Бошқарма биносида алоҳида ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, у зарурий ўқув кўргазмали плакатлар, ўқув услубий қўлланмалар, керакли китоблар, телевизор ва видеоаппаратура билан жиҳозланган. Бошқарманинг офицерлари подполковник Ю.Пак, майор Т.Омонов, капитан Р.Нуралиев, сержант М.Мансуровлар бошқарма бошлиғи, полковник Э.Икромов бошчилигида ёш қутқарувчиларнинг малакасини, касбий ва жанговарлик тайёргарлигини оширишда доимий назарий ва амалий ўқув машғулотларини ўтказиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, бошқарма «Қутқарув хизмати»нинг малакали мутахассислари кечаю кундуз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётгани учун ҳам юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда, ўз касбига садоқатли халоскор ва нажоткор инсонлар сафи кўпаяверсин, деб қоламиз.

Суҳбатдош
Хусниахон ТОЖИБОЕВА

Ўз-ўзи ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Меҳмондорчилик қоидаларидан яна бири шундайки, мезбон меҳмонлар ҳузурида одоб билан туради, меҳмонларнинг ҳар бирини эъзозлайди, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишдан бирор дақиқа бўлса ҳам тўхтамайди. Меҳмонларга ўзи туриб хизмат қилади. Меҳмон ташқарига чиқса бирга чиқади, кирганда бирга киради.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Меҳмон хижолат чекар неча мезбондур таниш,
Меҳмонни эшиккача кузатиб қўйиш суннатдир.

КОШИФИЙ

Меҳмонларнинг олдида ўз яқинларингни уришма, табассум қилиб ўтир, очиқ юзлилик киши учун катта неъматдир.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Меҳмон келгач ундан нима ейишини, кўнгли нима тусаётганини сўраш лозим. Агар унинг истак ва хоҳишига қараб нарса тайёрланса, меҳмоннинг хурсандчилиги зиёда бўлади. Бироқ меҳмондан: «Бирор нарса ейсизми, бирор нарса олиб чиқайми?» деб сўраш жуда ёмон одатдир. Шунинг учун сўрамасдан уйда борини олиб чиқиб, меҳмон олдига қўйиш керак.

Меҳмонга хос бўлган одоблардан бири шундайки, кимки меҳмонга таклиф этса рад қилмай бориш керак. Ўтиришга борганда эса уйнинг юқорисига ўтишга уринмай, уй эгаси қаерни кўрсатса ўша ерга ўтириш зарур. Кираётганда ва ўтираётганда таъзиму тавозеъни унутмасин. Ўзлари хоҳламай турган икки одамнинг орасига суқилиб ўтирилмайди, чунки уларнинг суҳбатига тўсқинлик қилади.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Меҳмони йўқ қора уйдан дала-туз яхши.

«ҚЎРҚИТ ота китоби»

Меҳмонда улуғ одамлар ўтирган бўлса, овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Мезбон уйида овқат тайёр бўлгач, кўп бўлса атайлабдан меҳмон олдига озгина олиб чиқмаслиги ёки ортиқча келтирмаслиги лозим.

Меҳмонни кўп ейишда айбламаслик керакки, бу меҳмондорчилик қоидасига хилоф ва меҳмон ҳақига хиёнат бўлади. Қўшни уйдан таом чиқса бир қисмини ичкарига болаларга киргизиш мумкин. Ёки меҳмон олдига қўйиб, меҳмон қўл артгач, киргизса ҳам бўлаверади.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Меҳмонга борсанг уй эгаси кўрсатган жойга ўтир, нима келтирса индамай е, мезбон ташқарига чиқса ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма, гоҳ буни, гоҳо уни ушлайверма, аммо китоблари турган бўлса кўриш мумкин.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Агар меҳмон яқин дўст бўлса, таклиф қилинмаган ҳолда келган бўлса, унга такаллуф ва ҳашам қилинмайди, бисотида нима бўлса ўшани келтириб қўяди, нарса бўлмаса меҳмон қилиш учун қарз олинмайди. Уйида нарса бор бўлса-ю, бироқ бола-чақага етарли бўлса, меҳмонга қўйса, болалар оч қоладиган бўлса, у ҳолда ҳам меҳмонга қўйилмайди. Меҳмон келдими, тезда овқат олиб чиқишга уринилади, куттириб қўйилмайди, даъват этилганларнинг кўпчилиги келмаётганларни кутиб ўтирилмайди.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Мусофир дили шикаста меҳмоннинг,
Дилини шод айламоқ меҳмона яхши.

КАМИЙ

Меҳмонга борганингда уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Меҳмон хотин-қизлар кириб-чиқадиган томонга қараб эмас, бошқа томонга қараб ўтиргани яхшироқ. Уй соҳибининг рухсатисиз айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Агар соҳиби хона ишончли ва синалган киши бўлмаса, унда бунинг йўриғи бошқа. Ўтиришга киргач ён-веридаги кишилар билан ҳолаҳвол сўралади.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ» деб ҳазиллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон билан бирга ейишолмайди, натижада меҳмон уялиб, бемалол ея олмаслиги мумкин.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Ғам нари тур, шодлиғ тахтида меҳмонман бу кун.

УВАЙСИЙ

Меҳмонга овқат тезда келтирилади. Ҳотам Осим шундай деган эди: «Беш ишдан бошқа ишда шошилиш ёмон хислат. Бу эса қуйидагилар: таом келтириш, ўликни кўмиш, эрга бериш, гуноҳдан кечиш, қарзни адо қилиш!»

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Ётни ёрлақагин ва емиш бергин,
Мусофирни эзгу тутгин, эй билағон доно.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Чақирилмаган ерга келган меҳмон супурилмаган ерда ўтиради.

Меҳмон севган кишининг емиши бол бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Ўқув масканларида

СОҒЛОМ АВЛОД—КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ БЎЛИШИ ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИГА БОҒЛИҚДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ НАФАҚАТ БИЛИМЛИ, БАЛКИ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БЎЛИШЛАРИ ЙЎЛИДА ҲАМ ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. БИЗ ЎЗ МУЛОҲАЗАМИЗНИ 1-ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ТИМСОЛИДА ИСБОТЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.





Ёшларга берилаётган пишиқ-пухта билим даражаси билан ички шаҳримизда, балки республикамизда ҳам муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлиб келаётган ушбу илм даргоҳида ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шароитлар мавжуд.

— Мустақил юртимизга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида уларга фақат билим беришгина қолмай, жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етишлари учун ҳам барча зарур шарт-шароитларни яратиб келмоқдамиз, —дейди коллеж директори Минаввар Исмоилова. — Ўқувчиларимиз дарсда ва ўқишдан бўш вақтларида ўзлари севган спорт турлари билан мунтазам шуғулланадилар. «Жисмоний тарбия» фан уюшмасининг ҳафталигида йил давомида ўқув юрти биринчилиги учун ўтказилиб келинаётган спорт мусобақаларига баҳо бериб борилади.

— Коллежимиз ўқувчилари ҳар йили туман, шаҳар ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар, — дейди суҳбатдошимиз фикрини тўлдириб «Жисмоний тарбия» йўналиши раҳбари Ўткир Талабоев. —Шунга мувофиқ маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲнинг Фахрий ёрлиқлари, 1,2,3- даражали диплом ва кубоклар, эсдалик совғалари билан тақдирланмоқдалар. Ўқув юртимизда волейбол, баскетбол, шахмат, стол тенниси, гимнастика, футбол, енгил атлетика, қўл тўпи, кураш каби спорт-соғломлаштириш тўгараклари фаолият кўрсатиб келади. Уларда 1400га яқин талабалар мунтазам тарзда қатнашиб келадилар.

Куни кеча Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб, коллежда «Соғлом авлод—келажак пойдевори» мавзуида анъанавий спорт байрами ташкил этилди.

Талаба-ёшларга бир олам тассурот улашиб, куй-қўшиқлар янграб, байрамона кўтаринкилик билан спортнинг стол тенниси, енгил атлетика, қўл тўпи, футбол, мусиқали гимнастика каби 9 тури бўйича ўтказилган ушбу мусобақада 1710 нафар қатнашчилар ўз кучларини синаб кўришди.

—Ўқувчиларимиз ушбу спорт байрамига катта тайёргарлик кўриб, имкон борича фаол қатнашишга ҳаракат қилишади,— дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Қадамбой Авазимбетов. — Ҳар бир иштирокчи ўз гуруҳининг ғолиблар қаторидан ўрин олишига ҳисса қўшади.


Бу сафар ҳам муросасиз ва қизғин ўтган ушбу мусобақани баҳолаш ҳайъат аъзоларига осон бўлмади. Йиғилган натижалар, очколар ҳисоби ва томошабинларнинг қўллаб-қувватлаши асосида 125, 318, 211, У-5, У-3, 201 гуруҳлар, шахсий биринчиликда эса Шаҳноза Ҳотамова, Ойгул Саидалиева, Меҳринигор Гулиева, Гулчеҳра Ҳамроева, «Энг фаол спортчи ўқувчи» номинацияси бўйича Зилола Дадажонова каби қатор спортсевар ёшлар ғолиб деб топилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.


Ҳозирги кунда коллежда 130 га яқин тажрибали ўқитувчи-мураббийлар меҳнат қилаётган бўлса, соғломлик, гўзаллик, баркамоллик мусобақаларини уюштириш, спортга меҳр қўйишларида жисмоний тарбия ўқитувчилари Муҳиддин Тошев, Ўткир Талабоев, Зиёдулла Мираҳмедов, Жамшид Собиров, Саидакбархон Шокиров, Қадамбой Авазимбетовлар бор куч-маҳоратларини ишга солган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Бугунги кун талабини тўғри тушуниб, ёшларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида заҳматли устозлик касбини ардоқлаб келаётган билим юрти жамоасига омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: спорт байрамидан лавҳалар





«ДИНАМО»ДА СПОРТ БАЙРАМИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО» СТАДИОНИДА ЎЗИГА ХОС СПОРТ БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган тадбирда акробатлар, у-шу секцияси аъзолари, қўл жанги усталари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Бундан ташқари, футбол, бокс, теннис, дзюдо ва самбо бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Эстафетали югуриш турнири, арқон тортиш ва тош кўтариш беллашувлари ҳам жуда қизиқарли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарзда кечди.

Болажонлар ҳам қизиқарли мусобақалардан четда қолишмади. Улар тирда мерганлик борасида ўз маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди.

Спорт мусобақаларида пойтахтдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларидан ташқари Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларининг жамоалари ҳам иштирок этишди. Бир сўз билан айтганда, ўн битта жамоа ғалаба учун қураш олиб борди.

Шундай қилиб, «ғалвир сувдан кўтарилиб», натижалар сарҳисоб қилинганидан сўнг эстафета югуриши, теннис, тош кўтариш, арқон тортиш баҳсларида миллий хавфсизлик хизмати вакилларига тенг келадиганлар топилмаган бўлса, футбол бўйича чегарачилар жамоаси ғолиб бўлди. Милтиқдан нишонга отиш баҳсларида ўғил болалар ўртасида Мақсуд Худойберганов, қиз болалар беллашувида эса Наиля Хориевалар зафар қучишди.

Спорт байрамининг барча ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: спорт мусобақалари ана шундай қизиқарли ўтди.

Алексей Попов олган суратлар

Футбол

МУҲИМ УЧ ОЧКО

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 9-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ КУРАШЛАРГА БОЙ КЕЧДИ.

Амалдаги чемпион «Пахтакор» ўз майдонида Ғузорнинг «Шўртан» клуби футболчиларини қабул қилди. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳорат бобида ўзларидан анча устун бўлган мезбонлар билан куч синашаётган меҳмонлар муносиб қаршилик кўрсата олишди. Эътиборли томони, ҳар икки жамоа майдонга фақат ғалаба иштиёқида тушганлигини яшириб ўтирмади. Чунки мухлислар ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин гувоҳига айланишди. Ҳар икки дарвоза томон уюштирилаётган хавфли ҳужумлар натижасида мухлислар 90 дақиқа мобайнида учта голнинг гувоҳига айланишди. Учрашув 2:1 ҳисобида «Пахтакор» жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Мухлисларга ҳаяжонли дақиқаларни ҳадя этган тўпларни «Пахтакор»дан Жепаров, Уче, «Шўртан»дан Рустамов йўллашга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Машъал» — «Трактор» — 0:0, «Бухоро» —«Тўпаланг»— 2:1 «Хоразм»—«Локомотив»—1:1, «Қизилқум»—«Сўғдиёна»—2:1, «Насаф»—«Андижон»— 3:2, «Навбаҳор —Н»—«Нефтчи» — 0:2, «Самарқанд—Динамо»— «Металлург»—1:0.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 10-тур баҳслари 19,20,21 май кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Мунажжим башорати

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ВАҚТ АЖРАТИНГ

17 МАЙ, ЧОРШАНБА

БАРЧА САЙЁРАЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ ОДАМЛАР УЧУН ХАЙРЛИ. АММО КУН ЖУДА ТОЛИҚТИРАДИГАН, СИЛЛАНИ ҚУРИТАДИГАН БЎЛИШИ МУМКИН. ЭНГ МУРАККАБ ВА ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИГАНДАЙ ТУЮЛАДИГАН ВАЗИЯТЛАРДА ТАШҚАРИДАН КЎМАК КЕЛАДИ. ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ОЧУВЧИ УЧРАШУВ ВА МУЗОКАРАЛАР ЭНГ ЯХШИ ТАРЗДА КЕЧАДИ.

Ўзимизда ҳам, атрофдаги барча нарсаларда ҳам сифат ўзгаришларига эришиб, олдинга зўр бериб интилишимиз учун вазият пишиб етилиб, шунинг вақти-соати келади шу куни. Айни пайтда шаклланган қадриятларни бой бериш, қандайдир имтиёзлар ва манфаатлардан ажраб қолишдан қўрқмай, олдинги қарор-қоидаларимизни, анъаналаримизни дадил ўзгартиришимиз мумкин.

Бугун муғомбирлик қилиш, ёлғон гапириш мумкин эмас, ҳар қандай ҳолатда ҳам рост гапиришга ҳаракат қилинг. Бировларни ғийбат қилиш, уларни ёмонлашдан ўзингизни тийинг, зеро, шу гапларингиз ўзингизга қайтиши мумкин. Фарзандларингизга албатта вақт ажратинг.

Тушлар бугун катта аҳамиятга молик бўлмайди. Аниқ тушлардан кўра рамзий тушлар кўпроқ аҳамиятли бўлади. Башоратли тушларни қуёш кўтарилгандан кейин аёллар кўришлари мумкин.

Ичаклар бугун хасталикларга кўпроқ мойил бўлади. Гўшт ейиш тавсия этилмайди.

Қизил, сариқ ва оқ рангли кийимлар сизга бугун омад келтириши мумкин. Қора ва кўк ранглардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

Заҳматкашларимиз

КАСБГА САДОҚАТ

ОЛИЙ ТОИФАЛИ КИНОРЕЖИССЁР ШУҲРАТ БИЗААТОВ ЗАМОН БИЛАН БИРГА ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН ИЖОДКОРЛАРДАН БИРИДИР. МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, ШУҲРАТ БИЗААТОВ ЁЗУВЧИ ҒАФФОР ҲОТАМОВ СЦЕНАРИЙСИ БЎЙИЧА «ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИ ....» ФИЛЬМИНИ МОҲИРОНА СУРАТГА ОЛИБ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТДИ. ЁЗУВЧИ ШОЙИМ БЎТАЕВ СЦЕНАРИЙСИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКАМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ МЕҲНАТИНИ ТАСМАГА ТУШИРДИ.

Бу икки ҳужжатли фильм тақдимоти муваффақият билан ўтди. Бир сўз билан айтганда, Шуҳрат Бизаатов бутун фаолияти давомида 200 га яқин ҳужжатли фильмларни тасмага тушириб, келажак авлодга буюк алломалар сиймосини тақдим этди...

Ҳа, ёшликдаги қизиқиш кўпинча инсон тақдирида ҳал қилувчи ўрин тутади. Ш.Бизаатов ёшлигидан санъатга ошно бўлди. Шаҳар ўқувчилар уйида у Ўзбекистон халқ артисти Учқун Раҳмонов бошчилигидаги драма тўгарагига фаол қатнашди, театрларда роллар ижро этиш, оммавий саҳналарда чиқиш билан машғул бўлди.

1961 йилда Ўзбекистон халқ артисти Воҳид Қодиров раҳбарлигида «Бой ила хизматчи» спектакли саҳналаштирилиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига муваффақият билан намойиш этилди. Режиссёр қози образини Шуҳратга ишониб топширди. Солиҳбой ролини муаллиф ижро этди.

Шуҳрат Эски шаҳардаги Аброр Ҳидоятов номли 14-ўрта мактабни битириб, Ўзбекистон телевидениеси радиоэшиттиришлар қўмитаси қошида янги ташкил топган киностудияга ишга кирди ва меҳнат фаолиятини киностудиянинг лабораториясида оддий ходимликдан бошлади. Кинотасмаларга қайта ишлов бериш, тасвирларга ранг бериш сирларини ўргана бошлади. Сўнгра кинооператор ассистенти, оператор, режиссёр ёрдамчиси сифатида кино санъатининг сир-асрорларини ўрганди ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг драма ва кино факультетини муваффақият билан битирди.

Тажрибали кинооператорлар Карим Мақсудхўжаев ва Гриша Кимлар Шуҳратга кинооператорлик сирларини ўргатган бўлсалар, таниқли кинорежиссёрлар режиссура санъатини эгаллашида устозлик қилдилар. Институтда эса унга Маҳкам Маҳаммедов ва Роза Каримовалар билим бердилар. У «Ўзбекфильм»да суратга олинаётган барча ҳужжатли, бадиий фильмлар жараёни ва технологияси билан астойдил қизиқди. Устозлари унинг қизиқиши ва қобилиятини инобатга олиб иккинчи режиссёр ва режиссёрликни топшира бошладилар.

1968 йилда Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла сценарийси асосида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ҳақидаги фильм-концерт Ш.Бизаатов томонидан тасмага туширилди. Шундан сўнг устозлар унга кетма-кет фильм- концертларни ишониб топширдилар.

1991 йилда Шуҳрат ёзувчи Элбек Мусаев сценарийси асосида «Машрабни куйлаб» фильмини яратди. «Мумтоз наволар» фильм-концертида Шуҳрат санъатимиз юлдузлари, мумтоз қўшиқлар ижрочилари, «Мақом» ансамблини, «Ҳофизлар куйлаганда» фильм-концертида эса эл севган хонандалар Ўзбекистон халқ артистлари Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Очилхон Отахоновларни тарих зарварақлари учун тасмаларга муҳрлаб қўйди.

Шундан сўнг Дилбар Зиёдова сценарийси асосида «Увайсий» фильми суратга олинди. Бош ролни рақс санъати устаси Қизлархон Дўстмуҳамедова ижро этди. Фильм мухлислар томонидан қизғин кутиб олинди. Бу фильм-концерт Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган фестивалда муваффақият қозониб, мукофот билан тақдирланди. Шуҳрат Бизаатов 45 йиллик меҳнат фаолияти давомида 200 га яқин ҳужжатли фильм ва фильм-концертларни ва мусиқий-бадиий фильмларни яратиб, келажак авлодга етказишда самарали улуш қўшган ижодкордир. У ҳамон «Ўзбектелефильм» студиясида меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда бадиий фильм яратишга қўл урган. Унинг Анвар Обиджон сценарийси бўйича яратган дастлабки «Қайтмас» бадиий фильми республика кинотеатрларида муваффақият билан намойиш этилди.

Бир неча бор халқаро кинофестивалларда фильмлари билан қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритган Ш.Бизаатовнинг фильмлари «ойнаи жаҳон»да тез-тез намойиш этилади. Биз Шуҳратжонга киномухлислар номидан сиҳат-саломатлик, ижодий омадлар тилаймиз.

Талъат ЮСУПОВ

«Konstruktor» илмий ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият раиси, Халқаро муҳандислик Академиясининг академиги Абдували Ғуломмаҳмудовга укаси — Тошкент вилояти Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ширкат хўжалиги иссиқхонаси директори

Анвар ҒУЛОММАҲМУДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6